

Мундарижа

Тадқиқот

Мансуржон БУСТОНОВ.
Рақамли иқтисодиётда иқтисодий ўсиш сифатини
баҳолаш ва унга ўтиш методологияси

3

Илгор технологиялар

Зухрали АБДУАҲАКИМОВ.
Туризмда рақамли технологиялардан
фойдаланиш йўллари

8

Рақамлаштириш

Орифжон ПАРДАЕВ.
Иқтисодиётда ҳақ таълим тизими мисолида
хафсизлик таҳдидларини баҳолаш методологияси

11

Муқояса

Шоназар ОТАЕВ.
Қишлоқ хўжалиги барқарор ўсишини таъминлашда
капиталдан фойдаланиш имкониятларини баҳолаш

14

Тиббий сугурта

Зафаржон БЕКНАЗАРОВ.
Ижтимоий сугурта: мажбурий тиббий сугуртанинг
асосий йўналишлари

21

Таҳлил

Даврон ЙЎЛДОШЕВ, Барно КЕНЖАЕВА.
Жамоат транспортларида йўловчилар оқимида
таъсир этувчи омиллар

24

Тараққиёт

Жаҳонгир МИРҚОСИМОВ.
Транспорт логистикасининг ривожланиш
имкониятлари ва истикболлари

28

Мушоҳада

Абдулла МИРСОДИҚОВ.
Худудларда инвестицион фаолликни ошириш
ва уларни самарали бошқариш

32

Акциядорлик жамиятларида

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.
Давлат иштирокидаги корхоналарнинг кузатув
кенгаши таркибига мустақил аъзоларни
жалб этиш истикболлари

37

Молия муассасалари

Дилдорахон ГАФУРОВА.
Ўзбекистонда банк секторини барқарор
ривожлантиришнинг иқтисодий-статистик таҳлили

40

Ахборот технологиялари

Муаззамхон ШАЙСЛАМОВА.
Жаҳон телекоммуникация хизматлари бозоридаги
инновациялар самарадорлигини таҳлил этиш

43

Молия

Феруза ОЛЛОҚУЛОВА.
Маҳаллий бюджет даромадларини
ошириш масалалари

49

Янгича ёндашув

Фаррух ЖЎРАЕВ.
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда
хўуднинг базавий салоҳиятини аниқлаш
жараёнини эконометрик моделлаштириш
(Қашқадарё вилояти мисолида)

52

Мулоҳаза

Диёра РЎЗИЕВА.
Ўзбекистонда “Ислом молияси” амалиётларини
ривожлантириш имкониятлари мавжудми?

59

Услубият

Одил ГАЙБУЛЛАЕВ.
Инвестицион салоҳиятини аниқлашнинг
усlubий масалалари таҳлили

65

Бюджет сиёсати

Элмурод САПАРОВ.
Худудларни ижтимоий-иқтисодий
ривожлантириш дастурларини
молиялаштиришда бюджетнинг қўшимча
даромад манбаларидан фойдаланиш истикболлари

70

Содержание

Доходы населения

Баходир ХУСАНОВ.
Механизм регулирования доходов населения

79

Социально-трудовые отношения

Нодирахон ХОДЖАЕВА.
Социально-трудовые отношения в системе
экологического мониторинга
в Республике Узбекистан

82

Государственно-частное партнерство

Бобир МИРЗАХОЛИКОВ.
Формы, модели и механизмы
государственно-частного партнерства

85

Отраслевые инновации

Эльнора АЛИЕВА.
Повышение инновационной активности субъектов
малого бизнеса и предпринимательства
текстильной отрасли на основе перехода
к «умным» технологиям

88

Модернизация транспорта

Бекзод РАХИМЖОНОВ.
Прогнозирование результативности реализации
инвестиционных проектов железнодорожной
отрасли Республики Узбекистан

93

Corporate social responsibility

Komil TURAYEV.
Corporate social responsibility in developing countries

97

ТАҲРИР КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ | ПРЕДСЕДАТЕЛЬ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА

Фармонкул ЭГАМБЕРДИЕВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ

ЎзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
академик АН РУз., доктор экономических наук, профессор

ТАҲРИР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ | ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА

Z. Kliment LAZARASHVILI (Климент ЛАЗАРАШВИЛИ), MBA, JD, PhD.

Georgian international University президенти (АҚШ)

Президент Georgian international University (США)

Gerhard FELDMAYER (Герхард ФЕЛДМАЙЕР)

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Германия)
доктор экономических наук, профессор (Германия)

Masato HIWATARI (Масато ХИВАТАРИ)

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Япония)
доктор экономических наук, профессор (Япония)

Sung Dong KI (Сунг Донг КИ)

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Корея Республикаси)
доктор экономических наук, профессор (Республика Корея)

Нагмет АИМБЕТОВ

ЎзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
академик АН РУз., доктор экономических наук, профессор

Юрий ОДЕГОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Россия)
доктор экономических наук, профессор (Россия)

Игорь БУТИКОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Мухиддин КАЛОНОВ

иқтисодиёт фанлари доктори,
доктор экономических наук

Абдурашид ҚОДИРОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Адхам БЕКМУРОДОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Мухиддин ПЎЛАТОВ

иқтисодиёт фанлари доктори
доктор экономических наук

Дурбек АХМЕДОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Бахтиёр ИСЛОМОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Баҳодир УМУРЗАКОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини молиялаштиришда бюджетнинг қўшимча даромад манбаларидан фойдаланиш истиқболлари Перспективы использования дополнительных источников бюджета в финансировании программ социально- экономического развития Prospects of using additional sources of budget funds for financing socio-economic development programs

Элмурод САПАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқарув академияси мустақил изланувчиси

Аннотация

Мақолада худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини бюджетдан молиялаштиришнинг илмий-амалий асослари ёритиб берилган. Маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромад манбаларидан худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини молиялаштиришда фойдаланиш ҳолати тадқиқ қилиниб, такомиллаштириш истиқболлари борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

В статье описаны научно-практические основы бюджетного финансирования программ социально-экономического развития регионов. Изучено использование дополнительных источников местных бюджетов в финансировании программ социально-экономического развития регионов, разработаны предложения и рекомендации по перспективам улучшения.

The article describes the scientific and practical basis for budget financing of socio-economic development programs of the regions. The use of additional sources of local budgets in financing socio-economic development programs of the regions was studied and followed by proposals and recommendations regarding the improvement prospects

Кириш

Маҳаллий бюджетлар даромадини кўпайтириш, худудларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш чора-тадбирларини қўллашда маҳаллий ҳокимият органлари молиявий мустақиллигини ва масъулиятини янада ошириш муҳим аҳамият касб этади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг молиявий манбаси маҳаллий бюджетлар ҳисобланади, шунингдек, маҳаллий бюджетлар миллий даромадни кўп поғонали қайта тақсимлаш маҳсулини аҳолига етказиш

дастакларидан бири саналади. Маҳаллий бюджетлардан худудларда ишлаб чиқариш корхоналари учун инфратузилмани яратиш, аҳолига коммунал хизматларни кўрсатиш, худудни ободонлаштириш, аҳоли қатламларининг ҳаётини фаолияти учун зарур бўладиган бошқа хизматларни амалга оширувчи соҳа ва тармоқлар харажатлари молиялаштирилади.

Республикада олиб борилаётган кенг иқтисодий ислохотлар натижасида бюджет тизими бюджетлари, айниқса маҳаллий бюджетлар ихтиёрида худудда орттириб бажарилган даромадларни

Калит сўзлар: худудларни ривожлантириш дастури, худудий дастурларни молиялаштириш, маҳаллий бюджет, маҳаллий бюджет даромади, маҳаллий бюджет қўшимча даромадлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар, контингент даромадлар.

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ихтиёрида қолдириш, ушбу қолдирилган маблағларни ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларига сарфлаш амалиёти йўлга қўйилди. Шунингдек, республикани ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида “вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ҳамда мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш муҳим устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган” [1]. Мазкур вазифа ижросини таъминлаш мақсадида “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари асосида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш, ҳудудларда яшаётган аҳоли учун муносиб инфратузилмани яратиш, яшаш шароитларини яхшилашга эътибор қаратилди. Шу билан бирга, маҳаллий кенгашлар депутатлар ва аҳоли хоҳиш истакларини инобатга олган ҳолда маҳаллий бюджетларнинг муайян қисмини сарфланиши амалга ошириломоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ҳудудларни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, шундай дейди: “...“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 5 миллионга яқин аҳоли яшайдиган 1 минг 200 та маҳалла ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгарди ... 2021 йил учун ушбу дастурларни республика ва маҳаллий бюджетлар томонидан тенг улушларда молиялаштиришни назарда тутсин” [2].

Фикримизча, келгусида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини узлуксиз молиялаштириш республика ва маҳаллий бюджетлар харажатларининг асосий йўналишларидан бири сифатида қолиши лозим. Бунинг учун ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини молиялаштиришда маҳаллий бюджетларнинг таъсири борасида ҳал этилиши лозим бўлган айрим масалалар мавжуд. Маҳаллий бюджетларнинг ҳудудларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш дастурларини молиялаштиришдаги фаолияти етарли даражада аниқ белгилаб қўйилмаган, яъни, бир молия йилида дастурда белгиланган вазифаларни молиялаштириш якунига етмай туриб, кейинги молия йилига ўтади, дастур харажатлари ўтган молия йили нарх ва баҳоларида сақланиб қолади, индексация қилишда жуда кам ҳолатларда рўй беради. Бунинг натижасида, дастурларни охирига етказилиши мураккабликлар вужудга келади. Шу

боис, бизнингча, маҳаллий бюджетлар қўшимча даромад манбалари, нафақат вилоят, шу билан бирга туман маҳаллий бюджети қўшимча даромадларидан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга муайян миқдорларини ажратиш орқали ҳал этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабиётлар шарҳи

Классик иқтисодчи олим А.Смит фикрича, “туман ва шаҳарлар аҳамиятини англатувчи харажатлар туман ёки вилоят бюджети харажатлари акс эттириши лозим ... ҳамда туман ва шаҳар даромадларидан қопланиши шарт ҳамда жамиятнинг умумий даромадларидан маблағ йўналтирган ҳолда қопланиши керак эмас” - дея таъкидлаган. Туман даражасидаги харажатларга шаҳар ёки қишлоқ ички тартибини таъминлашга хизмат қилувчи орган (милиция)ни сақлаш харажатлари ёки ёритиш билан боғлиқ харажатлар. Шу билан бирга, бу каби “маҳаллий” муаммоларни юқори турувчи бюджет маблағлари ҳисобидан тўлиқ молиялаштириш мумкин, аммо бу “самарасиз” деб тан олинади, сабаби “ушбу харажатларга маблағ бутун қироликда яшовчилар томонидан тўланган солиқлар ҳисобига қопланган бўлиб, ушбу аҳолига муайян ҳудуддаги кўчаларнинг ёруғлиги, йўлларга асфальт ётқизилганлигидан ҳеч қанақа наф йўқ” [3]. Фикримизча, ушбу ёндашув замонавий бюджет тизимида ҳам харажат ваколатларини тақсимлаш тамойилларида ўз аксини топади.

АҚШда буюк рецессия штатларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган капитал лойиҳаларини молиялаштириш ҳолати юзасидан тадқиқотларида “қирқта штатнинг барча бюджет директорлари, бюджет таҳлилчилари ва маҳаллий ҳукумат қарздорлиги учун масъул қарз менежерлари штатларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган капитал лойиҳаларининг устуворлигидан келиб чиқиб молиялаштириш зарурлиги, бунда бошқа штат ёки давлат амалиётини қўллаб бўлмаслигини қайд этган. Улар ўз амалиётида, орттирилган тажрибадан ва хусусий консалтинг фирмаларининг маслаҳатларидан фойдаланадилар. Хусусий сектор билан ҳамкорлик ташаббуслари давлатларнинг “энг яхши тажрибаларини” янада интенсив қўллаш орқали ривожлантириш дастурларини молиялаштириш жараёнларининг самарадорлигини ошириш имкониятига тақдим этишини таъкидлаган ҳолда: ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари

харажатларини ўрта муддатли режалаштиришни такомиллаштириш зарурлиги; устуворлик ва танлов жараёнини ажратиб кўрсатиш, фискал ошкоралик ва молиявий ҳамда дастурий жавобгарликни кучайтириш орқали бошқарувни такомиллаштиришга алоҳида эътибор бериш, қарорларни қўллаб-қувватловчи махсус компьютер тизими орқали бюджет лойиҳасини ишлаб чиқишни рақамлаштириш, бюджет эҳтиёжларини ҳар томонлама таҳлил қилиш, мувофиқлаштириш, бюджет маблағлари сарфланиши устидан ички аудитни кучайтириш зарурлиги” таъкидланади [4].

Маҳаллий иқтисодчи олим А.Исламқулов фикрича, “хуудларда ўз функцияларини амалга оширишлари учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларида тегишли молиявий база мавжуд бўлиши керак, яъни, сўз маҳаллий бюджетлар ҳақида бормоқда. Маҳаллий бюджет маблағлари иқтисодий, ижтимоий, маданий дастурларни ва маҳаллий аҳамият касб этувчи бошқа тадбирларни молиялаштиришга йўналитиради”[5].

Тадқиқотчи Қ.Тўхсанов тадқиқотларида маҳаллий давлат бошқарув органлари иқтисодий блок раҳбар ходимлари, молия ва солиқ органлари раҳбар ходимларини қуйидаги тартибда рағбатлантириш билан бирга жаримага тортиш тартиби йўлга қўйилганлигини таҳлил қилган ҳолда “мазкур рағбатлантириш ва жарималар маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромад манбаларини ишлаб топишга, солиқ қарздорлигини қисқартиришдан манфаатдорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Бу, ўз навбатида, хуудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлайди. Лекин яна шуни алоҳида эътибор қаратиш жоизки, мазкур иқтисодий механизмларни мунтазам такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқ”[6].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотда таҳлил жараёнида маълумотларни статистик гуруҳлаш, қиёсий таҳлил усулларида фойдаланилди. Мақолада хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг хуудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини молиялаштириш борасидаги илмий қарашлари, фаразлари, қиёсий таҳли қилинган. Шунингдек, сўнгги беш йилликда маҳаллий бюджетларнинг даромадлари, қўшимча даромад манбалари кесимида таҳлил этилган ҳамда уларни тенденцияси баҳоланган.

Таҳлил ва натижалар

Хуудларни ижтимоий-иқтисодий дастурларини молиялаштириш борасида илмий изланишлар олиб боришда, мазкур молиялаштириш асосий манбаси бўлган давлат бюджети ҳақида фикр юритишимиз мақсадга мувофиқ. Давлат бюджети ва бюджет муносабатларининг асосий ҳуқуқий асосларидан бири Ўзбекистон Конституцияси ҳисобланади. Конституциянинг 122-моддасига мувофиқ, “Ўзбекистоннинг Давлат бюджети Республика бюджетидан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан иборат”[7], шунингдек, 100-моддасига кўра, “Маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига хуудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш; маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш берилган”[7].

Республикада бюджет муносабатларини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг бюджет кодекси амал қилиб, “ушбу Кодекс Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими бюджетларини шакллантириш, тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, тасдиқлаш, ижро этиш, давлат томонидан маблағ жалб қилиш ва бюджет тўғрисидаги қонунчилик ижросини назорат қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади. Шунингдек, республика ва маҳаллий (вилоят, туман (шаҳар) бюджетлар даромад манбалари ҳамда харажат йўналишлари белгилаб берилган”[8].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли ва 2017 йил 7 июндаги ПФ-5075-сонли “Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонларини ижро этиш юзасидан, шунингдек, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш ва янги ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун қўшимча маблағларни жалб қилиш мақсадида ушбу қарор қабул қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 июндаги 445-сонли қарорида маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш захираларини аниқлашнинг батафсил механизмлари мустаҳкамланди. Ушбу қарор орқали маҳаллий

Молия ва солиқ органларининг қўшимча даромад манбаларини излаб топиш бўйича савй-ҳаракатлари

Солиқ органлари ходимлари қўйидаги ишларни амалга оширади:	Солиқ органлари ва молия бўлими ходимлари ўзаро ҳамкорликда қўйидагиларни аниқлайди
бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатилган хизматлар учун тўловларнинг ундирилиши назорат ўрнатадилар	кадастр органларида рўйхатга олинмаган нотурар-жой объектларини аниқлаш ва кейинчалик уларни солиқ солиш объекти сифатида ҳисобга қўйиш
нақд пул тушуми тўлиқ тушишини таъминлаш мақсадида савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида хронометраж ташкил этадилар	бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудларида давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият олиб бораётган жисмоний шахсларни аниқлаш ҳамда уларни солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйишни таъминлаш
деҳқон бозорларида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига сунъий равишда нархларни оширишга йўл қўймаслик бўйича назорат тадбирларини ўтказадилар	бозор ва савдо комплексига туташ ҳудудларда автотўхташ жойларини аниқлаш ва туман (шаҳар) ҳокимига уларни бозорлар ва савдо комплексларининг таркибига ўтказиш бўйича тегишли қарор қабул қилиш тўғрисида таклиф киритиш
бозорлар ва савдо комплексларида сифатсиз, қалбакилаштирилган (сохта) ёки контрабанда товарларини тайёрлаш ва сотишга йўл қўймаслик бўйича назоратни амалга оширадилар ва текширишларни ташкил қиладилар	

Муаллиф ишланмаси.

бюджетлари даромадлари қўшимча манбаларини кўриб чиқамиз.

Ушбу қарорга асосан молия органлари ва давлат солиқ хизмати органлари, шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тушумларни кўпайтиришга ва солиқ солинадиган базани кенгайтиришга йўналтирилган ишларини такомиллаштириш борасидаги фаолиятини тартибга солинади.

Туманлар, шаҳарлар молия бўлимлари ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига даромадлар параметрларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш ва маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги, туманлар, шаҳарлар давлат солиқ инспекциялари ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига даромадлар параметрларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш ва маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси мавжуд ресурсларни сафарбар этиш бўйича кунлик мониторинг олиб борилишини ҳисобга олган ҳолда, Давлат бюджетига даромадлари параметрларининг бажарилишига,

шунингдек, давлат мақсадли дастурларини барқарор молиялаштиришнинг муҳим омили сифатида маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаши белгилаб берилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари давлат солиқ хизмати, молия органлари ва бошқа тегишли маҳаллий органлар ҳамда тижорат банклари билан биргаликда ҳар бир туман, шаҳарнинг салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда қўшимча манбаларни излаш ва шу асосда маҳаллий бюджет даромадлари базасини кенгайтириш йўли билан давлат бюджетига даромадлари параметрларини сўзсиз бажариш бўйича фаолият мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтиришнинг қўшимча захираларини излаш, шу асосда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда солиқ тушумларининг аниқлаштирилган прогнозлари ишлаб чиқилади. Солиқ тўловчилар – жисмоний ва юридик шахсларнинг фаолияти устидан жойнинг ўзига чиқиб назорат қилувчи

мансабдор шахсларга ҳар кунги йўл-йўриқ беришни ўз ичига қамраб оладиган коррупцияга қарши чораларни ишлаб чиқилган ва амалга оширишда[9].

1-жадвалга мувофиқ, Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда ҳар бир ҳудуд ва ҳар бир солиқ тўловчи, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар турлари бўйича доимий янгилаб бориладиган тўлиқ маълумотлар базаси шакллантирилишини, шунингдек, туман, шаҳар даражасида ахборот тизимларининг самарали ва узлуксиз ўзаро ҳамкорлиги таъминланмоқда. Жумладан, Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда ҳар бир ҳисобот даври якунини танқидий таҳлил қилган ҳолда, кейинчалик қўшимча захираларни топиш ва шу асосда маҳаллий бюджетнинг даромад базаси барқарорлигини таъминлаш истиқболларини ишлаб чиқиб, амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси 2017 йил 7 июндаги ПҚ-3042-сонли “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет ваколатларини кенгайтириш ва маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришдаги масъулиятини ошириш тўғрисида”ги қарорига асосан, 2017 йилнинг 1 июлидан 31 декабрига қадар Тошкент шаҳри ва унинг туманларида маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш ва харажатларини мақбуллаштиришда уларнинг манфаатдорлигини ошириш, аҳоли реал даромадларини, турмуш даражасини ошириш мақсадида ҳудудларни комплекс ривожлантиришни барқарор молиялаштиришни рағбатлантиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет ваколат ва мажбуриятларини белгилашнинг замонавий механизмларини жорий этишни кўзда тутувчи тажриба тартиби амалиётда қўлланила бошланди.

2018 йилнинг 1 январидан бошлаб мазкур тартиб Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятларнинг маҳаллий бюджетларига нисбатан жорий этилди. Жумладан:

а) қуйидаги даромадлар:

– тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ, жисмоний шахсларнинг мулк солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи, айрим турдаги товарларнинг чакана савдоси ҳуқуқи учун ҳамда айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғимлар, бозорлардан тушадиган даромадлар бўйича

тушумлар тўла ҳажмда туманлар ва шаҳарларнинг бюджетларига;

– ягона ер солиғидан, юридик шахсларнинг ер солиғидан, юридик шахсларнинг мол-мулкидан олинадиган солиқдан, ягона солиқ тўлови ажратмаларидан, бензин, дизель ёнилғиси ва газ истеъмоли солиғидан, абонент рақамидан фойдаланганлик учун тегишли қисми тушумларидан уларни Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, туман ва шаҳарларнинг бюджетлари ўртасида тақсимлаган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятларнинг маҳаллий бюджетларига;

– сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва давлат божининг тегишли қисми (лицензиялар бериш учун давлат божи ва патент божлари бундан мустасно) тўлиқ ҳажмда, шунингдек, давлат активларини сотишдан ва давлат мулкни ижарага беришдан олинадиган тушумларнинг 25 фоизи – Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига ҳамда вилоятларнинг вилоят бюджетларига ўтказилади;

б) жисмоний шахсларнинг даромад солиғидан, юридик шахсларнинг фойда солиғидан (тўлов манбаида норезидентлардан ундириладиган солиқлар бундан мустасно), қўшилган қиймат солиғи, тегишли товарлар бўйича акциз солиғи, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, жарималар ва йиғимларнинг тегишли қисми бўйича олинадиган тушумларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг тасдиқланган параметрларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятларнинг маҳаллий бюджетлари ўртасида тақсимлаш, шунингдек, тегишли қисмда ажратилаётган солиқлардан олинаётган тушумларнинг белгиланган прогнозлари ошириб бажарилиши суммаларини тегишли бюджетларнинг тасарруфида қолдириш;

в) қуйидагилар:

– иш ҳақи бўйича харажатларни ҳамда тиббиёт муассасаларининг ягона ижтимоий ҳақини тўлашга ҳамда туман ва шаҳарларнинг бюджетларидан молиялаштириладиган таълим муассасаларининг айнан шундай сарф-харажатларини тўлашга Қорақалпоғистон ва вилоятларнинг маҳаллий бюджетларига Ўзбекистон Республикасининг Республика бюджетидан;

– туман ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлов бўйича сарф-харажатларнинг қолган қисмини тўлашга туман ва шаҳарларнинг бюджетларига Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан мақсадли ижтимоий трансфертлар ажратиш йўлга қўйилди [10].

Шунингдек, таълим муассасалари ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг иш ҳақини ҳамда ягона ижтимоий тўловини молиялаштиришга ажратиладиган мақсадли ижтимоий трансфертлар ҳажми туман ва шаҳарлар бюджетларининг даромад базаси кўпайишидан қатъи назар камайтирилмаслиги айрим туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг мутаносиблиги вилоят бюджетларига ажратилаётган умумбелгиланган солиқларнинг бюджет қонунчилигига мувофиқ шакллантириланган сарф-харажатларини инобатга олганда, мана шу солиқлар ҳисобига таъминланди. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари, туман ҳамда шаҳарлар бюджетларининг даромад ва харажатлари

ҳажмларини тасдиқлаш бўйича қарорлар қабул қилишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига харажатларнинг етишмаётган суммасини даромадларни Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, туман ва шаҳарларнинг бюджетлари ўртасида қайтадан тақсимлаш ҳисобига қоплаш ҳуқуқи берилди.

Яна шуни алоҳида қайд этиш жоизки, 2018 йилдан бошлаб тегишли маъмурий-ҳудудий бирлик бўйича бюджетнинг жами даромадлар прогнози ортиб боровчи якун билан бажарилган тақдирда даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган суммасини қўйи бюджетлардан юқори турувчи бюджетларга олиб қўйиш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари параметрларида назарда тутилган харажатларни асоссиз қисқартириш амалиёти бекор қилинди.

Республикада маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари тавсиясига кўра, 2018 йил-

2-жадвал.

Маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан соҳалар кесимида объектларни қуриш ва реконструкция қилишга маблағлар [8]

Кўрсаткичлар	2016 йил		2017 йил		2018 йил		2019 йил		2020 йил	
	сони	мил. сўм	сони	мил. сўм	сони	мил. сўм	сони	мил. сўм	сони	мил. сўм
Капитал қўйилмалар	354	160,7	446	297,7	1033	1170,0	1191	1735,3	806	1383,9
Маъмурий бинолар, муҳандислик-инфратузилма ҳамда сув хўжалиги, ҳарбий-маъмурий сектор объектлари	144	49,2	203	156,4	399	497,3	348	573,1	288	424,5
Автомобиль йўллари, кўприклар ва йўл ўтказгичлар	41	47,1	38	17,2	72	91,1	195	108,4	88	315,7
Ижтимоий соҳа объектлари	99	49,6	116	91,5	364	419,8	500	887,8	334	579,7
Мелиорация тадбирлари объектлари	1	0,2	10	1,7	2	0,7	23	7,7	23	1,9
Ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимлари объектлари	64	6,8	78	26,0	184	142,4	111	111,7	56	40,2
Жисмоний тарбия ва спорт объектлари	5	7,6	1	4,9	12	18,7	14	46,6	17	21,8

Худудлар кесимида маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан объектларни қуриш ва реконструкция қилишга сарфланган маблағлар [8]

Худуд номи	2016 йил		2017 йил		2018 йил		2019 йил		2020 йил	
	сони	мил. сўм	сони	мил. сўм	сони	мил. сўм	сони	мил. сўм	сони	мил. сўм
Жами ажратилган маблағлар	354	160,7	446	297,7	1033	1170,0	1191	1735,3	795	1383,9
Қорақалпоғистон	37	21,4	24	11,6	59	47,4	91	277,7	66	99,9
Андижон	50	6,4	74	23,7	293	376,5	230	426,9	206	180,2
Бухоро	12	6,3	45	43,4	83	92,7	76	91,5	47	68,7
Жиззах	38	10,9	89	55,9	78	54,2	30	59,3	25	94,5
Қашқадарё	45	27,7	34	29,9	77	55,9	121	125,4	24	20,5
Навоий	3	0,7	2	0,4	12	26,2	26	43,3	22	28,5
Наманган	16	3,3	17	13,0	99	62,9	81	85,8	59	50,1
Самарқанд	10	3,1	14	12,3	98	36,2	102	78,8	28	15,7
Сурхондарё	10	3,6	12	10,4	45	64,0	51	75,8	14	40,3
Сирдарё	1	0,9	30	4,0	22	4,7	61	29,3	70	17,5
Тошкент в.	36	18,9	38	20,9	48	97,4	45	90,5	44	141,3
Фарғона	46	10,5	18	24,4	46	78,5	68	114,9	76	126,7
Хоразм	9	5,2	22	10,0	24	14,4	177	58,3	83	77,4
Тошкент ш.	41	41,6	27	37,6	49	158,9	32	177,8	31	422,4

нинг 1 январидан бошлаб молия органлари ва давлат солиқ хизмати органлари раҳбарларига жавобгарлик ва рағбатлантириш жорий этилди. Хусусан:

а) солиқ ва молия органлари раҳбарларини уларнинг лавозим маошларидан 50 фоизгача бўлган миқдорда мукофотлаш, шу жумладан:

– маҳаллий бюджет даромадларининг тасдиқланган прогнозининг ижро этилгани учун 10 фоиз миқдорда;

– бюджетга тўловлар бўйича солиқ қарздорлиги қисқартирилгани учун 20 фоиз миқдорда;

– маҳаллий бюджет даромадларини ошириш захираларини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоб кўрсаткичлари бажарилгани учун 20 фоиз миқдорда;

б) юқорида кўрсатилган мезонларнинг ижроси таъминланмагани учун уларнинг лавозим маошларидан 30 фоиз миқдорида жарима санкцияларини қўллаш, шу жумладан:

маҳаллий бюджет прогнози бажарилмаганлиги учун 10 фоиз миқдорда;

маҳаллий бюджетга тўловлар бўйича солиқ қарздорлиги оширилгани учун 10 фоиз миқдорда;

маҳаллий бюджет даромадларини ошириш захираларини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоб кўрсаткичлари бажарилмаганлиги учун 10 фоиз

миқдорда [9].

Ўрта муддатли истиқболда мамлакатни ривожлантиришга қаратилган иқтисодий ислохотлар, жумладан, бюджетни номарказлаштириш борасида илк ислохотлар йўлга қўйила бошланди. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари ҳажмларини тасдиқлаш бўйича қарорлар қабул қилишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган маблағлардан бир қисмини худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун тегишли туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ўтказиш бўйича ваколатлар берилди [11].

Шу ўринда хулоса ўрнида қайд этиш ўринлики, мамлакатда бюджетни номарказлаштиришнинг ҳуқуқий асослари етарлича яратилган, бунда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий кенгашларнинг худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг зарур шартлари бўйича устуворликни аниқлашлари, худудни ривожлантиришга хизмат қиладиган

соҳаларга қўшимча маблағларни йўналтиришга эришишлари муҳим саналади. Таҳлилларга кўра, мазкур ҳолатга эришишда муаяйн муаммоларга дуч келинмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга сарфланаётган маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромад манбалари ҳолатини таҳлил қиламиз.

Дастлаб иқтисодиёт соҳалари кесимида Маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан соҳалар кесимида объектларни қуриш ва реконструкция қилишга маблағлар сарфланишини кўриб чиқамиз.

2-жадвалга кўра, 2016 йилда республика ҳудудлари бўйича 354 та объектларни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларига 160,7 млрд. сўм маблағ сарфланган бўлса, 2020 йил якунларига кўра ана шундай 806 та лойиҳаларга 1383,9 млрд.сўм ёки 2020 йилда 2016 йилга нисбатан 9 маротаба кўп маблағ йўналтирилган. Шунингдек, маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбаларидан таҳлил қилинаётган йилларда ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва реконструкция қилишга маблағлар сарфининг юқорилигини кўриш мумкин: 2016 йилда 99 та объектга 49,6 млрд. сўм йўналтирилган бўлса, 2020 йилда 334 та лойиҳага 579,7 млрд. сўм сарфланган.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, сўнгги йилларда инфратузилмага алоҳида эътибор қаратилаёпти, бунинг жадвал маълумотлари ҳам тасдиқлаб турибди. Жумладан, маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари сарфланган юқори салмоққа эга кейинги харажат – маъмурий бинолар, муҳандислик-инфратузилма ҳамда сув хўжалиги, ҳарбий-маъмурий сектор объектлари қуриш харажати бўлиб, ушбу мақсадлар учун 2016 йилда 144 та лойиҳага 49,2 млрд. сўм сарфланган бўлса, 2020 йилда 288 та лойиҳага 424,5 млрд. сўм ажратилган.

Аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш вазифаси ҳам бугунгикуннинг муҳим вазифаларидан биридир, айниқса аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи. Маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбаларидан кейинги муҳим харажат ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимлари объектлари лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилганлигини кўриш мумкин: 2016 йилда 64 та лойиҳа 6,8 млрд. сўм, 2020 йилда 56 та лойиҳа 40,2 млрд. сўм ва бошқалар.

Шу ўринда, таҳлил қилинаётган 2019 йил билан 2020 молия йили солиштирилганда, 2020 йилда 2019 йилга нисбатан пасайиш кузатиш мумкин. Мазкур ҳолатнинг COVID-19 коронавирус пандемияси оқибатлари сифатида изоҳлаш мумкин.

Таҳлилларни маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан ҳудудлар кесимида объектларни қуриш ва реконструкция қилишга сарфланган маблағлар ҳолати билан давом эттирамиз (3-жадвал).

3-жадвал маълумотларидан кўринадики, ҳудудлар кесимида маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан объектларни қуриш ва реконструкция қилишга таҳлил қилинаётган йилларда Тошкент шаҳрида энг кўп маблағ сарфланган, яъни 2016 йилда 41 та лойиҳага 41,6 млрд. сўм, кейинги ўринда Қашқадарё вилояти 45 та лойиҳага 27,7 млрд. сўм, Қорқалпоғистон Республикаси 37 та лойиҳага 21,4 млрд. сўм ва ҳ.к. 2020 йил якунларини таҳлил қиладиган бўлсак, Тошкент шаҳрида 31 та лойиҳага 422,4 млрд. сўм, Андижон вилояти 206 та лойиҳага 180,2 млрд. сўм, Тошкент вилояти 44 та лойиҳага 141,3 млрд. сўм ва ҳ.к.

Хулоса ва таклифлар

Таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда улар даромад базасини мустаҳкамлаш, маҳаллий бюджетга тушумларни ошириш юзасидан қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

Маҳаллий бюджетларда шаклланган қўшимча маблағлардан фойдаланишда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини молиялаштиришни устувор йўналиш сифатида қаралиши ҳамда бу бўйича маҳаллий ҳокимликларнинг халқ депутатлари ҳудудий Кенгашлари олдида ҳисобдорлигини ошириш асосида тўғридан-тўғри фойдаланиш ҳуқуқларини кенгайтириш лозим.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига маҳаллий бюджетларнинг қўшимча шаклланган даромадларини тақсимлаш бўйича мезон белгилаш, бунда бевосита даромадлар билан ишловчи ташкилотларга қўшимча шаклланган даромадларни тақсимлаш мезонидан келиб чиқиб иш ҳақи бўйича рағбатлантириш усуллари жорий этиш орқали тушумлар миқдорини кўпайтиришдаги манфаатдорлигини оширишга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.05.2021 й., 06/21/6217/0409-сон.
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: “O‘zbekiston nashriyoti” ДУК, 2021. – Б.42-43.
3. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Эксмо, 2007.
4. Natalia Ermasova Capital Budgeting in the States After the Great Recession // State & Local Government Review, June 2013, Vol. 45, No. 2 (June 2013). – Pp. 119-130. Sage Publications, Inc. <https://www.jstor.org/stable/42002372>
5. Islamkulov A.Kh. Fiscal policy aimed at ensuring the equivalency of the budget in the medium term in Uzbekistan // Open Access Peer-reviewed Journal Science Review 9(26), November 2019. – Pp.3-6. Index Copernicus (GIF - **85.90**) DOI: https://doi.org/10.31435/rsglobal_sr
6. Тўхсанов Қ.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортишни такомиллаштириш. иқтисодий фанлари фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент: ТДИУ, 2019. – 135 б.
7. «Халқ сўзи» газетаси, 1992 йил 15 декабрь, 243 (494)-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 1-сон, 5-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.03.2019 й., 03/19/527/2706-сон, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон; 09.02.2021 й., 03/21/670/0089-сон, 09.02.2021 й., 03/21/671/0093-сон
8. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-360-сон Қонуни билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-I-сон; 2014 й., 36-сон, 452-модда; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 26.08.2021 й., 03/21/711/0825-сон, 28.08.2021 й., 03/21/712/0828-сон
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сон “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарори. <https://lex.uz/docs/3480384>
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 декабрдаги ПФ-5283-сон “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.12.2017 й., 06/17/5283/0407-сон.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сон “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги қарори. <https://lex.uz/docs/3480384>
12. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет кодекси». <http://lex.uz/acts/2304138>.
13. <http://lex.uz/acts/1286558>. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси».